Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
14 октябрь
ШАНБА

№ 83
(11.886)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларни ижтимоий мадад қилишни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 12420 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 24600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 12420 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 24600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 14900 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 12 октябрь.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

13 октябрь куни Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, аввало, кейинги пайтда Андижон вилоятида вужудга келган аҳвол, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдизларига эътиборни қаратди.

Президентимиз ўтган йилнинг май ойида рўй берган Андижон воқеалари халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан ташкил этилганини яна бир бор таъкидлади. Бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдаришга қаратилгани бугун барчамизга аён.

Андижон вилоятида содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бартараф этиш, вилоятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Андижон вилоятини 2005-2006 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз шу ўринда одамларнинг кундалик ҳаёти ва кайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа ва тармоқлар ривожи билан боғлиқ баъзи муҳим рақамларга эътиборни қаратди. Андижон вилояти бўйича электр тармоқларини ривожлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида қўшимча равишда 470 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 4,7 миллиард сўм, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича жами 900 миллион сўм, йўл қурилиши ва кўприкларни капитал таъмирлаш учун 695 миллион сўм, чегара ҳудудларидаги уй-жойларни таъмирлаш, тартибга солиш бўйича 934 миллион сўм ҳажмида иш бажарилгани йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган умумдавлат дастурларига мувофиқ вилоятда 2005 йилда 9 та даволаш муассасаси ва 17 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Бу вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммил-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

А.Т.Усмоновни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Аҳмад Тугилович Усмонов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 13 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

С.Бегалиевни Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 13 октябрь

Кузги чақирув

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

Она юртнинг ҳар бир ўғлони борки, мустақил мамлакат Куролли Кучлари сафида хизмат қилишга бел боғлайди. Эл-юртнинг осуда ҳаётини, барқарорлигини матонат билан ҳимоя қилиш, зиммасидаги йигитлик бурчини шараф билан ўташга пухта тайёргарлик кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шу кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига биноан кузги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақирувини ўтказиш жараёни кечмоқда.

Жумладан, Зангиота туманининг чақирув пункти ҳам ҳар куни эрта тонгданоқ йигитлар билан гавжум.

— 1979-1988 йилларда туғилган, чақириш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаролар хизматга чақирилмоқда, — дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Илҳом Ғаниев. — Бунда уларнинг ҳар томонлама чиниққанлиги, соғломлиги, маданий ва маънавий баркамоллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, ёшлар хизмат масъулиятини тўғри англаб етмоқдалар. Уларнинг ҳар бирини тиббий кўрикдан синчиклаб ўтказиб, хоҳиш-иродаси, келажаги, оилавий шароити ҳисобга олинган ҳолда иш кўрилаётир. Шунга асосан ҳарбий хизматга номзодлар тайёрлаш учун ёшлар ҳайдовчиликка, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга жалб этилмоқда. Ҳар бир ёшнинг дунёқараши, жисмонан бакувватлиги, билим ва маданиятига асосий эътибор қаратилаётир.

Ватаннинг мана шундай мард ва жасур, миллий ғурури кучли ўғлонларини суҳбатга тортдик.

— Йилнинг бошида ўтказилган оммавий-ватанпарварлик ойлигида ташкил этилган ҳар бир тадбир менда ҳарбий хизматга қизиқиш уйғотди, — дейди ўртаовуллик Ҳожиакбар Ғуломов. — Шу учрашувлар, тадбирлар чоғида Ватанимга нисбатан ўзгача бир меҳр туйғусини ҳис этдим. Мана, чақирув комиссияси текширувидан ўтиб, ҳарбий хизматга отланиб турибман.

— Мактабда ўқиб юрган кезларим, — дейди Хонобод қишлоғидан келган Зокир Исматов, — ҳарбий қисм ҳаёти билан таништиргани олиб боришгани ҳамон ёдимда. Ана шунда олган илк таассуротларим мақсадга эришишга яна бир туртки бўлганди. Беғубор болалигимиз палласи ҳам тугаб, катта ҳаёт синовларига тўла йигитлик даврига қадам қўяяпмиз. Комиссия мени Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинларига муносиб топди. Бу давр ҳар бир йигит учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлиб қолади. Шу сабаб, Ватанимиз тинчлиги, оиламиз, юртимиз шаънини ҳимоя қилиш учун бутун куч ва иқтидоримизни ишга соламиз. Бунга ҳам маънан, ҳам жисмонан тайёрмиз.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА: *Паркент туманида йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш пайти.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

Тошкентда шу йил 17-18 октябрь кунлари Ўзбекистон иккинчи халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. Жаҳон пахта бозорида муҳим тадбир ҳисобланмиш мазкур анжуманнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида ташкилотчилар томонидан пухта тайёргарлик кўрилди. Ярмаркани Ўзбекистон ҳукумати ва пахтачилик саноати бўйича дунёда энг нуфузли нашрлардан бири – "Cotton outlook" ташкил этмоқда.

Ярмаркада жаҳон пахта саноатининг етакчи истеъмолчилари мамлакатимиз пахтачилигида эришилган сўнгги ютуқлар, хом ашёни етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга жўнатиш жараёни билан яқиндан танишадилар. Тадбир давомида қатор савдо шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Марказий Осиёда етиштириладиган 2 миллион тоннага яқин пахта толасининг бир миллион тоннадан ортиғи юртимизда тайёрланиши ҳисобга олинса, мазкур ярмарка мамлакатимиз деҳқонлари етиштирган толани дунё бозорига олиб чиқиш ишларини янада такомиллаштириш, чет эллик ҳамкорлар билан бевосита алоқа боғлаш учун яхши имконият яратади.

"Ўзэкспомаркез" бўлим бошлиғи Ойбек Мирбобоевнинг айтишича, ярмаркада Хитой, Россия, Латвия, Гана, Озарбайжон, Жанубий Корея, Польша, Миср, Туркия каби қарийб ўттиз давлатдан тўрт юзга яқин компания ва ташкилот вакиллари иштирок этиши кутилаётгани ҳам ушбу тадбирнинг нуфузи тобора ўсиб бораётганидан далолатдир.

Тадбирда республикамиз пахта тозалаш корхоналарида қайта ишланган ўрта ва узун толали пахта навларидан жамланган 1200 та пахта тойи намойишга қўйилади. Кўргазма залига қўйилган компьютерларнинг маълумот базасига мамлакатимизда етиштирилган пахта толаларининг 20 га яқин сифат кўрсаткичи жойлаштирилганлиги иштирокчилар учун қулайлик туғдиради. Махсус ҳозирланган хоналарда эса музокаралар ўтказиш ва шартномалар имзолаш мумкин.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси кўргазмада ўзининг тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлари билан иштирок этади.

– Компаниямиз корхоналарида пахтадан тайёрланган трикотаж матолар ўзининг чиройи ва юқори сифати билан кўпчиликка манзур бўлишига ишонамиз, – дейди компания вакиласи Нигора Муҳаммедова. – Бундай маҳсулотларимизнинг аксарияти "Чиноз тўқимачи", "Оқсарой тўқимачи", "Бухоротекстиль" каби замонавий корхоналаримизда тайёрланганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Кўргазма иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасида бўлиб, у ерда юртимизнинг асосий товар-хом ашё биржаси фаолияти билан танишади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда пахтани биржа савдолари орқали хорижий истеъмолчиларга сотиш кенг йўлга қўйилгани ярмарка кунлари имзоланажак шартномалар сонининг янада кўпайишида муҳим омил бўлиши табиий. Тадбир қатнашчилари Товар-хом ашё биржасининг ана шундай савдо сессиясида иштирок этиши ҳам мумкин.

Шунингдек, ярмарка қатнашчилари Тошкент вилоятидаги айрим фермер хўжаликлари ва пахта заводларини, "Тошкент тола" пахта терминалини бориб кўрадилар, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизни зиёрат қиладилар.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА шарҳловчиси.

ВАКИЛАМИЗ ҒОЛИБЛАР САФИДА

«Меҳр ва мурувват» республика жамғармаси «Маърифатли юрт фарзандларимиз» мавзуида республика кўрик-танловини ташкил этди.

Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган талабалар қатнашиб, ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Мамлакатимизда илк бор уюштирилган бу маърифий тадбирда аниқланган ғолиблар орасида вилоятимиз вакиласи ҳам бор. Вилоят педагогика касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси Дилрабо Бегимқулова иккинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Мўл-ҳосилга замин

ДЕҲҚОН ҲОВУЧИДА РИЗҚ ТУТАДИ

Бу мавсум давлатга пахта сотиш шартнома режаларини барвақт уддалаган ширкат ва фермер хўжаликларида асосий эътибор галдаги муҳим вазифа — кузга дон экишни ҳам қисқа фурсатда якунлаб олишга қаратилаётир. Бинобарин, деҳқон ҳаётида куз фаслининг ҳар лаҳзаси тиллога тенг. Ҳозир ҳам ҳосил йиғиштириладиган, ҳам эртанги ризқ учун замин қўйиладиган тиғиз палладир.

Маълумки, бу йил вилоятимиз ғаллакорлари қарийб 130 минг гектар майдонда ҳосил етиштиришга қарор қилганлар. Унинг 14,4 минг гектари лалми ерларга тўғри келади. Олинган сўнгги маълумотларга кўра, шу чоққача 70 минг гектардан зиёд майдонга барака уруғлари сочилган.

— Кузги дон экишга тайёргарликни пахта йиғим-терими билан бирга олиб бордик, — дейди Юқоричирчиқ туманидаги «Шералиев Ҳилолиддин» фермер хўжалиги раҳбари Ботир Абдужалилов. — Жами 22 гектар майдонда пахта етиштирган эдик, давлатга салкам 90 тонна хом ашё етказиб бердик. Ҳосилдорлик 40 центнерданга тўғри келди. Эришилган муваффақиятдан руҳланиб, ғалла ҳосилдорлигини ҳам янада кўтариш ниятидамиз. Ҳозир 23 гектар ерга уруғ сочаяпмиз. Кўзланган самарадорликка эришиш учун донни бехато ундириб олиш чораларини кўраяпмиз.

Вилоятимизнинг барча ғаллакор хўжаликлари деҳқонлари бор куч ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, экиш ишларини октябрь ойидаёқ якунлаб олиш мақсадидалар.

СУРАТДА: *фермер Ботир Абдужалилов дала бошида.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

2007 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

лий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида 64 та мактаб капитал, 13 та мактаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-ҳунар коллежининг фойдаланишга топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва ҳунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса ижтимоий соҳаларда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оиладан қанча одам ишлайди, қанчаси ишсиз, улар рўзғорини қандай тебратяпти – ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, вилоятнинг мутасадди раҳбарлари бош қотирмаган, деди Президентимиз.

Мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва туманлари ўз шартнома мажбуриятларини ошириб бажараётган бир пайтда Андижон вилоятида пахта йиғимтерим суръати кундан-кунга пасайиб бораётгани, вилоятнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши хавф остида қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Афсуски, бундай ачинарли ҳолат бу ерда кейинги йилларда сурункали тус олмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича давлатга салкам 45 минг тонна пахта хом ашёси етказиб берилмади, 11,5 миллиард сўм ҳажмидаги даромад бой берилди. Бошқача айтганда, хўжаликлар, умид билан меҳнат қилган одамлар шунча бойликдан маҳрум бўлдилар.

Ишга эскича ёндашув, одамларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссиёти, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғота олмаслик оқибатида вилоятда фермерларнинг ялпи ҳосил миқдоридаги улуши республика бўйича энг паст даражани ташкил этади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Сайдулло Бегалиев Андижон вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Т.Топиболдиев, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Н. Саидов, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ў.Ҳайдаров, Улуғнор туманидаги "Ишонч" фермер хўжалиги раҳбари С.Жўраев, "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори Ё.Одилов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи О.Абдураимов Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш андижонликларнинг бугунги кундаги асосий бурчи ва вазифаси эканини таъкидладилар.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Саид ШУКУРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг шу йил 23 мартда эълон килинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида тижорат банклари зиммасига хам қатор вазифалар юклатилган.

БАНК – ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИ

– Мазкур қарор ижроси юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Бекобод туман Халқ банки бошқарувчиси Аҳмаджон Холбеков. – Ўтган давр мобайнида чорва моллари сотиб олиш учун олтмишга яқин кам таъминланган оилага эллик миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу борадаги ишлар режа асосида давом этмоқда.

– Кам таъминланган оилалар манфаатлари ҳимоясига катта эътибор қаратилаётгани келажакка бўлган ишончимизни оширди, – дейди тумандаги "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Карима Аҳматова. – Биз ҳам 750 минг сўмлик имтиёзли микрокредит ҳисобидан сигир сотиб олдик. Рўзғоримизга барака кирди.

Халқ банкининг туман бўлими айни пайтда уч юзга яқин мижозга хизмат кўрсатмоқда.

ЎзА.

Ниш о н д о р л а р

Ўзбекистон кимё машинасозлиги очиқ акциядорлик жамиятида Умирдин Нажимовни «қўли гул уста», деб ҳурмат қилишади. Ўз касбини пухта эгаллаган, уни умр мазмунига айлантирган, сир-асрорларини шогирдларига сидқидилдан ўргатаётган, меҳнат остонасига эндигина қадам қўйган «ғўр» ёшларда ҳавас уйғота олган инсонгина бундай эъзозга муяссар бўлиши мумкин. Умирдин Нажимов жамоада шогирдларни тарбиялашга бор куч-ғайрати, билими, тажрибаси ва маҳоратини сарф-лайдиган бағрикенг, меҳри дарё мураббийлар қаторидан ҳақли равишда ўрин олган.



ҚАТОРДАГИ НОРИМИЗ...

Газ ёрдами билан металл қирқиш юзаки қараганда оддийга ўхшайди. Лекин унинг ўзига яраша машаққат ва қийинчиликлари бор. Ҳар хил қалинликдаги металл тахталаридан турли-туман деталларни ва қисмларни тайёрлаш осон иш эмас. У ниҳоятда синчковлик ва эҳтиёкорликни талаб этади. Металлни қирқишда белгиланган технологиядан бироз четга оғиш металлнинг ортиқча исроф бўлишига олиб келиши мумкин. Моҳир ишчи бунга йўл қўймасликка интилади. Шу боис «Етти ўлчаб бир кес» ибораси устанинг меҳнат шиори бўлиб қолган. Унга доим қатъий амал қилади ва ҳамкасблари ҳамда шогирдларини ҳам бунга даъват этади. Шунинг учун ҳам унинг қўлидан чиққан деталлар ва кимё агрегатлари ҳамма вақт сифатлилиги билан ажралиб туради.

У меҳнат қилаётган кимё ускуналари ишлаб чиқариш цехи корхонанинг асосий бўлинмаси, таъбир жоиз бўлса, юраги ҳисобланади. Унда жуда мураккаб ишлаб чиқариш жараёнлари боради. Газ-нефть саноати учун қатор жиҳозлар, иссиқлик алмаштирувчи ускуналар, буғловчи мосламалар, озиқ-овқат саноати учун асбоблар, турли каттакичик сиғимдаги идишлар, фильтрлар, ҳар хил халқ истеъмоли моллари ва яна бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Уларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган энг қийин иш жараёнларини бажариш вазифаси Умирдин Нуриддинович каби тажрибали ишчиларга топширилади.

Ўттиз етти йилдан бери узлуксиз шу корхонада ишлаб келаётган газқирқувчи барча топшириқларни вақтида адо этади. У Чирчиқ шаҳридаги индустриал техникумни 1978 йилда тугатгач, меҳнат фаолиятини «Ўзбеккимёмаш» корхонасида бошлади ва дастлаб халқ истеъмоли моллари цехида зичловчи бўлиб ишлади. Ўша вақтда газ билан турли ўлчамдаги металл парчаларини қирқаётган ишчилар меҳнатига ҳаваси уйғонди. Орадан кўп ўтмай, бу ҳунарни эгаллаб олди. Кейинчалик кимё ускуналари цехида газқирқувчи бўлиб ишлай бошлади. Ўшанга ҳам чорак аср бўлди.

Кимё ускуналари ишлаб чиқариш цехи жамоасининг меҳнати самараси салмоқли бўлмоқда. Машинасозлар зиммаларидаги вазифаларини зиёдаси билан бажармоқдалар. Цехда маҳсулот ишлаб чиқариш кейинги йилларда муттасил ортиб бормоқда. Унга хорижда ҳам талаб ошаяпти. Шундай ютуқларга эришишда Умирдин Нажимов ва у сингари тажрибали машинасозларнинг муносиб ҳиссаси борлигини жамоа фахр билан тилга олади. Ҳақиқатдан ҳам моҳир ишчи меҳнатда маҳсулот ҳажми бўйича ҳам, сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам касбдошларига ўрнак бўлмоқда. Унинг ихтирочилик фаолияти ҳам самаралидир. Хусусан, меҳнатни енгиллаштирувчи кўпгина мосламаларни ихтиро этди ва амалиётга жорий қилди. Улар оддийлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради, шунинг учун ҳам касбдошлари томонидан осон ўзлаштирилади. Деталларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган бир мураккаб муаммони ижобий ҳал қилиш билан сал кам 1 миллион сўм маблағни тежаш имконини яратди.

У мураббий сифатида ёшларга бажонидил ёрдам беради. Ҳар йили икки-уч нафар шогирдлар тайёрлайди. Унинг таълимини олган машинасозлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозиргача улар сони ўттиз нафардан ошиб кетди. Бу йил ҳам жамоа қаторига янги қўшилган икки ишчига ҳунар ўргатмоқда. Цехда ким билан суҳбатлашманг устоз ҳақида ҳурмат ва эҳтиром билан тўлиб-тошиб гапиришади.

– Мен Умирдин Нуриддиновични устозликка танлаб, янглишмаган эканман, – дейди ғурур билан унинг шогирдларидан бири Александр Лакота. – Унинг изидан бориб, кам бўлмаяпман. Ҳамон у киши мураббийлик қиладилар. Фақат ишда эмас, турмуш муаммолари юзасидан ҳам маслаҳатларини олиб тураман. Умирдин ака ҳеч қачон ёрдамини аямайди.

– Халқимизнинг «қаторда норинг бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган пурҳикмат мақоли бор, – деб суҳбатга қўшилади Умирдин аканинг қадрдон касбдоши Ўроз Алимбоев. – У ҳаммамизнинг ишончли суянчиғимиз, маслаҳатдошимиз, қатордаги норимиздир. Энг нозик ишларни ҳам қойилмақом қилиб дўндиради ва жамоа жонига оро киради. Умирдин акамиздан меҳнатда ҳам, юриш-туришда ҳам, жамоа иши учун жонкуярликда ҳам кўп нарса ўрганиш мумкин.

Моҳир газқирқувчининг фидокорона меҳнати республикамиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Президентимиз Фармонига мувофиқ «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Бу хушхабарни «Ўзбекистон кимё машинасозлиги» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг барча аъзолари мамнуният билан кутиб олдилар.

– Бу юксак мукофотни фақат менга берилган деб ҳисобламайман, – дейди Умирдин Нажимов. – Аслида у бутун жамоамизга тегишлидир. Мен эса, иқтисодиётимизни ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган катта ва аҳил жамоамизнинг оддий бир аъзоси, биз, машинасозлар тили билан айтганда, кичик бир мурватиман, холос. Энг муҳими, бу юксак эътибор бутун жамоамизни эзгу ният ва катта мақсадлар сари руҳлантирди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Т а д б и р

ГЎЗАЛЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

Инсон қалбида ҳаёт севинчи, меҳр-оқибат ва муҳаббат туйғуларини тоблашда санъатнинг ўрни беқиёс. Унинг шундай турлари борки, асрлар оша сайқалланиб, янги-янги жилолар билан томошабинларни эзгуликка чорлаб келмоқда. Бу – опера қўшиқчилигидир.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида ўтган матбуот конференцияси Ўзбекистон опера санъ ининг бугунги ютуқлар ини тарғиб қилиш, ёш қўшиқчиларнинг турли халқлар ва минтақавий фестиваллар, қўшиқ байрамлари ва танловлардаги иштироки масалаларига бағишланди.

– Жамоамиз Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайрия ишларини қизғин давом эттириб, аҳолининг барча қатламларини ўз санъатидан баҳраманд этиб келмоқда, – деди театр директори Бахтиёр Ёқубов. – Хусусан, хайрия концертлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Шундай концертлар «Қибрай» ва «Турон» сиҳатгоҳларида дам олувчилар учун ҳам ташкил этилди. Вилоят мактаб-интернатлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун «Чиполино», «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Золушка» спектакллари намойиш этилди. Иқтидорли ёш хонанда Нормўмин Султонов ўзининг хайрия концертини ташкил этди.

Анжуман иштирокчилари Чимкент шаҳрида ўтган «Романсиада – 2006» IX Халқаро конкурсида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон ёш санъаткорлари билан учрашдилар. Бу нуфузли халқаро танловнинг «Талабалар» номинациясида Малика Норматова биринчи, Жабраил Идрисов ва Азамат Муҳаммаджонов иккинчи, Раҳима Мирзакамолова учинчи ўринларни эгаллашди. «Профессионаллар» номинациясида Руслан Гаффоровга учинчи ўрин насиб этди. Бир гуруҳ ёш ижрочилар танловнинг махсус дипломлари билан тақдирланишди.

– Биз машҳур рус қўшиқчиси Надежда Обухова таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб хотира кечасини ўтказишга тайёрланмоқдамиз, – дейди режиссёр Андрей Слоним. – Унда таниқли санъат усталари билан бир қаторда умидли ёш ижрочиларимиз ҳам қатнашишади.

Матбуот конференциясида журналистлар ёш санъаткорлар билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: *опера қўшиқчиси Нормўмин Султонов журналистларнинг саволларига жавоб бермоқда.*

Анжелика СОБОЛЬ олган сурат.

К и ч и к б и з н е с в а х у с у с и й т а д б и р к о р л и к

Биз ҳикоя қилаётган кичик жамоа ёшларга бир қатор касбларни ўргатиш, таъмирлаш ва ноширлик ишлари билан шуғулланади. Унинг хизматларидан фойдаланаётган корхона, ташкилотлар ҳамда фуқаролар сони муттасил ортиб бораяпти.

ҲАМ ТАЪЛИМ, ҲАМ ХИЗМАТ

«Барака-Устоз» фирмаси Ангренда жойлашган бўлсада, мижозлари қўшни шаҳар ва туманларда ҳам бор. Унда таълим олиб, ўзлари истаган касбларни эгаллаган ёшлар меҳнат фаолиятини турли соҳаларда давом эттирмоқда. Фирма ишга тушганидан бери ўтган вақт ичида унинг сертификатини олганлар сони 1200 нафардан ошди. Фирма 6 йилдан бери барқарор ишлаб келмоқда ва асосан компьютерда ишлашни, инглиз тилини ўргатиш ва айни вақтда қатор мураккаб асбоб-ускуналарни созлаш билан шуғулланмоқда. Унинг ўқув курсларида касбга ўргатишнинг анъанавий шакллари ҳамда махсус ишлаб чиқилган дастурлар қўлланиляпти. Машғулотлар гуруҳ ва якка тартибда олиб бориляпти. Дарсларни ўтишга тажрибали ва юксак малакага эга бўлган мутахассислар жалб қилинган. Ўқитишда техник воситалар мажмуи (проектор, экран, лингафон, аудио ва видео анжомлари)дан фойдаланиш унинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминламоқда. Синфлар интернетга уланган компьютерлар билан таъминланган. Барча машғулотларнинг умумий йўналиши тингловчиларда амалий кўникмаларни юзага келтириш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Масалан, «Компьютер саводхонлиги асослари» бўйича курслар тингловчилари асосий вақтни компьютерда амалий машғулотлар билан ўтказадилар. «Инглиз тили» курслари тингловчилари эса лингафон ёрдамида ўқув аудио кассеталарини тинглайдилар.

Пулли курслар қатори компьютер, ноширлик, маиший техника воситалари, аудио-видео анжомларига хизмат кўрсатиш ҳам олиб борилмоқда. Мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларининг услубий, ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмалар бўйича буюртмалари ҳам бажариляпти. Аҳолига кўрсатилаётган ноширлик ишлари ҳажми ҳам йил сайин кенгаймоқда. Унинг тури ҳозирга келиб 30 тага яқинлашиб қолди. Истеъмолчиларнинг буюртмалари асосида оддий таклифномалардан тортиб мураккаб матбаа маҳсулотларигача тайёрланяпти.

Собир ҲАМИДОВ.

Ватанга муҳаббат туйғусини тарбиялаш оиладан бошланади, мактабда давом эттирилади. Янгийўл шаҳридаги 6-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқитувчиси Марҳамат Исаева болаларда шу она-заминга муҳаббатни сингдиришда ҳар бир дарсдан маҳорат билан фойдаланмоқда. Унинг жонажон мактаб, азиз қишлоқ, бу обод Ватан ҳақидаги ҳикоялари болалар қалбига бир умр муҳрланиб қолмоқда.

СУРАТДА: *Марҳамат Исаева дарс пайтида.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Қ а р о р в а и ж р о

БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида Янгийўл шаҳрида қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, қарорнинг 3-банди талабларидан келиб чиқиб, истеъмол афзалликлари, аҳоли учун қулайлик жиҳатларига қараб, шаҳар ҳудудидаги бозорлар ихтисослаштирилди. Ҳозирги кунда шаҳар ҳудудида ихтисослашган деҳқон ва буюм бозорлари фаолият кўрсатмоқда.

Улар ҳудудида Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан иккита таянч пункти ташкил қилинди. Уларда инспекциянинг 4 нафар ходими мунтазам назорат олиб бормоқда. Ўтаётган йилда масъул ходимлар томонидан жами 25 та ҳолатда савдо қилиш қоидалари бузилганлиги аниқланди.

Жумладан, Янгийўл шаҳар Самарқанд кўчаси, 306-уйда яшовчи фуқаро Салима Алибоева деҳқон бозори ҳудудида ҳеч қандай ҳужжатларсиз, сифат сертификати бўлмаган пахта ёғини сотаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан далолатнома тузилиб, жами 35,5 литр, умумий қиймати — 33725 сўм бўлган пахта ёғи холислар иштирокида олиниб, вақтинча сақлаш учун «Савдогар» савдо-харид корхонасига қарашли дўконга топширилган. Фуқарога нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Янгийўл шаҳар судига жўнатилди. Янгийўл тумани, У. Юсупов кўчаси, 12-уйда яшовчи Ўғилжон Ўрозметова эса, савдога кўпроқ — 85 литр пахта ёғи олиб чиққан.

Буюм бозори ҳудудида ўтказилган текширувда, аралаш моллар билан савдо қилаётган фуқародан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар сўралганида, у ҳеч қандай ҳужжат тақдим қила олмади. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига ҳеч қандай давлат органларида рўйхатдан ўтмасдан, солиқ тўлашдан бўйин товлаб, ноқонуний савдо-сотиқ орқали даромад топишни мақсад қилиб олган. У — Зоҳид Хидиров бўлиб, ноқонуний савдо унга фойда ўрнига зарар келтирди. Фуқаро томонидан савдога олиб чиқилган 20 турдаги жами 64 дона умумий қиймати — 192500 сўмлик товар-моддий бойликлар холислар иштирокида олиниб, вақтинча сақлаш учун «Савдогар» савдо-харид корхонасига қарашли дўконга топширилди. Фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 135-модда 3-қисмига асосан 100 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Янгийўл шаҳар судига юборилди.

Янгийўл шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда ўтказилган рейдда ҳам худди шундай ҳолат кузатилди. Фуқаро Зулфия Миролимова ҳам рўйхатдан ўтмай, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган. Тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқига фақат юридик шахслар, мажбурий тартибда банк муассасаларида иккиламчи махсус ҳисоб рақами очгандан кейингина эга бўлишлари лозимлигини била туриб, З. Миролимова тамаки маҳсулотлари савдосига қўл урди.

Фуқаро томонидан ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, акциз маркасисиз қадоқланган 10 хилдаги 649 қути ҳамда 32 хилдаги қадоқланмаган, акциз маркасиз 2966 дона тамаки маҳсулотлари билан бирга 111 турдаги 868 дона озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдога олиб чиқилиб, сотилаётганида солиқ хизмати ходимлари бунга чек қўйишди.

Далолатнома тузилиб, савдога олиб чиқилган умумий қиймати — 1 миллион 920 минг 322 сўм бўлган товар-моддий бойликлар холислар иштирокида, вақтинча сақлаш учун «Савдогар» савдо-харид корхонасига қарашли дўконга топширилди. Унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Янгийўл шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юборилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ноқонуний савдо қилиб, қўлга тушган фуқаро томонидан сотувга олиб чиқилган маҳсулотлар суд қарори билан давлат ҳисобига мусодара қилиниб, катта миқдорда жарима тўлашига ҳам тўғри келади. Бундан ташқари, «судланган» деган «тамға» ҳам босилади. Шунча моддий ва маънавий зарар ўрнига савдони қонуний юритиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, фаолият юритганга нима етсин.

Шуҳрат МУСАЛИМОВ,
Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси мудири.
Отабек МАТЧОНОВ,
бош мутахассис.

ЯНГИ АВИАЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси ҳамда Латвиянинг "Айробалтик" авиакомпанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.

Мазкур битим биргаликда йўловчи ташиш тизимини шакллантиришни кўзда тутади. Унга кўра, йўловчи битта чипта билан ҳам Ўзбекистон миллий авиакомпаниясида ҳам Латвиянинг "Айробалтик" компанияси қатновларида парвоз қилиш имконига эга бўлади. Қишки мавсумда йўлга қўйилиши режалаштирилган ушбу рейслар ҳақидаги ахборотни эндиликда иккала авиакомпанияларнинг маълумот хизмати орқали билиш мумкин.

«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 16

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 11.10, 14.15, 16.35, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 18.05 Олтин мерос.
9.00 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.20, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Дунёдаги энг катта меҳмонхона».
10.10 «Чинининг саргузаштлари». М/с.
10.30 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик дастури».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Жаҳон мусиқаси хазинасидан». Француз мусиқаси.
11.55 «КиноТеатр».
12.15 «Жайдари келин». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрининг спектакли.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Ўзбекистон аёли».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Минг бир ривоят».
17.45 «Рамазон туҳфаси».
18.10 Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. «Бир обида сири».
18.30 «Тақдир йўллари». Т/с.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Т/с.
21.40 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).

ЁШЛАР

16.00, 19.00, 22.00 Давр.
16.15 Интерфутбол.
17.55 Анонс.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.35 Дилрабо.
18.45, 20.30 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.35 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Ракурс.
21.00 Омон бўлинг!
21.10 «Зерда». Т/с.
22.30 «YOSHLAR»да куз оқшомлари.

ТОШКЕНТ tv

18.00 М/ф «Покахонтас».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Т/с.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломат бўлинг».
20.20 «Эрудит».
20.35 «Ғилдиракли уй».
21.00 «Интервью».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино: «Ўғирланган».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия».
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин».
9.30 «Мониторинг».
10.00 Детективлар.
10.30 «Оқ пудель». Фильм.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
17.55 «Сувда акс этган зафарлар». Хуж. фильм.
18.15 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.55 «Ким нимага қодир?».
19.15 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
20.20 «Мени кутгил».
21.10 «Футбол шарҳи».
21.50 «Проф-РИНГ».
22.40 «Муввафақият». Бадиий фильм.

СЕШАНБА 17

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 9.45, 11.10, 12.10, 14.15, 16.35, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50, 17.30 Олтин мерос.
8.50 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.20, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ифорлар оғушида».
9.50 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Чинининг саргузаштлари». М/с.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Риштон мўъжизалари».
12.25 «Одами эрсанг».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
15.20 «Заковат».
16.20 «Ҳамкорлик ришталари».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 ИИВ хабарлари.
17.40 «Минг бир ривоят».
17.45 «Рамазон туҳфаси».
18.05 Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. «Бир обида сири».
18.25 «Тақдир йўллари». Т/с.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.45 «Обид-шоу» архивидан.
9.25 Ракурс.
9.40 Journal.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 «Оққуш». Видеофильм.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00, 19.40 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 Бешбармоқ.
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50, 21.00 Омон бўлинг!
16.15 «Севги фариштаси». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болалар табассуми.
17.15 Шоҳсупа.
17.35 Истиқбол тимсоллари.
17.45 Матонат.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 22.30 Наво-SMS.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.15 Давр мавзуси.
20.30 CINEMANIYA.
25.50 «Моя мечта». Дунё таомлари.

ТОШКЕНТ tv

7 30 Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 12.00, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 Аёл қалби».
9.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.25, 19.30 Мусиқа SMS.
10.45 «Саломат бўлинг».
10.55, 20.35 «Ғилдиракли уй».
11.20 «Туризм ҳақида».
11.50, 21.00 «Репортаж».
12.05, 20.20 «Эрудит».
12.20 Кино: «Ўғирланган».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Соғинч».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Бахтли бўлинг»
22.50 Кино: «Ўғирланган».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.20 «Спорт-клуб».
9.30 От спорти. Ўзбекистон биринчилиги.
10.00 «Детективлар».
10.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.50 «Футбол академияси».
19.15». Ўз-ўзига режиссёр».
20.00 «Вести».
20.20 «Криминал». Т/с.
21.30, 23.30 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

ЧОРШАНБА 18

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.40, 11.10, 12.40, 14.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 18.05 Олтин мерос.
8.45 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.15, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Йадав ва сўнгги олишув».
9.40 «Чинининг саргузаштлари». М/с.
10.00 ИИВ хабарлари.
10.15 «Жаҳон нигоҳидаги шаҳар».
10.20 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.55 «Ягона оилада».
12.15 «Одамлардан бири».
12.35 «Жаҳон нигоҳидаги шаҳар».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.20 «Муқаддас қадамжолар». Шоҳизинда.
16.00 «Саломатлик» дастури.
16.25 «Рангин дунё».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 «Эркин иқтисодиёт».
17.30 «Бизнинг кутубхона».
17.40 «Минг бир ривоят».
17.45 «Рамазон туҳфаси».
18.10 «Бир обида сири». 3-қисм.
18.30 «Тақдир йўллари». Т/с.
19.15 «Жаҳон нигоҳидаги шаҳар».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Самарқанд оҳанглари».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05, 21.10 «Зерда». Т/с.
8.45 «Обид-шоу» архивидан.
9.30 Истиқбол тимсоллари.
9.40 Бу шундай бўлган эди...
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Ватанпарвар.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00, 19.40 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 CINEMANIYA.
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50, 21.00 Омон бўлинг!
16.15 «Севги фариштаси». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болалар табассуми.
17.15 Эврика.
17.30 Ибратли саргузаштлар.
17.40 Маъмун академиясининг 1000 йиллигига: «Ҳикмат маскани».
18.00 «Бобур». Т/с.
18.35 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30 ТВ-дорихона.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Автопатруль.
20.35 Наво-SMS.
22.30 Жаҳон киноси: «Тоғлар аро етти йил».

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 11.30, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Соғинч».
9.45 «Нима учун?»
10.15, 21.00 «Репортаж».
10.25, 19.30 Мусиқа SMS.
10.45, 20.35 «Ғилдиракли уй».
11.10 «Бахтли бўлинг».
11.35, 20.20 «Эрудит».
11.50 Кино: «Ўғирланган».
18.00 М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Мисли гавҳар».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Моҳир».
22.50 Кино: «Бу ўша одам».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.20 «Кучли бешлик».
10.00 Детективлар.
10.30 От спорти. Ўзбекистон биринчилиги.
11.00 «Теннис».
18.50 Кураш. Жаҳон биринчилиги.
19.15 «Цирк ҳақида орзулар».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Криминал». Т/с.
21.50 «Форт Боярд».
23.10 «Баҳодирлар ўйини».
23.30 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

ПАЙШАНБА 19

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 9.50, 11.10, 12.10, 14.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50, 18.00 Олтин мерос.
8.50 «Навоий ҳақида ривоятлар».
9.25, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Тошлоқ чорвадорлари».
9.55 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа. «Чинининг саргузашатлари». М/с.
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Дурдаршан».
12.35 «Бизнинг кутубхона».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
15.20 «Меҳр кўзда».
16.00 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
16.20 «Болалар дунёси». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Имконият».
17.35 «Минг бир ривоят».
17.40 «Рамазон туҳфаси».
18.05 «Шифокор қабулида».
18.30 «Тақдир йўллари». Т/с.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05 «Зерда». Т/с.
8.45 «Обид-шоу» архивидан.
9.30 Автопатруль.
9.50 ТВ-дорихона.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Эрта бугундан бошланади.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00, 19.40 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 Давр мавзуси.
14.45 Хазина.
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50, 21.00 Омон бўлинг!
16.15 «Севги фариштаси». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болалар табассуми.
17.15 Биз табиатни севамиз!
17.30 Чемпион сирлари.
17.50 Сифат белгиси.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.35 Наво-SMS.
20.10 Тил – миллат кўзгуси.
20.25 «Alokazay чойи» тақдим этади...
21.10 Кино: «Телевизор».
22.30 Жаҳон киноси: «Ғаройиб энага».

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 11.00, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Мисли гавҳар».
9.45, 21.00 «Интервью».
9.55, 19.30 Мусиқа SMS.
10.15 «Моҳир».
10.35, 20.35 «Ғилдиракли уй».
11.05, 20.20 «Эрудит».
11.20 Кино «Бу ўша одам».
18.00. М/ф «Покахонтас».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Иқтисод - ревю».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Топ-гид. Вена».
22.50 Кино: «Затура».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.20 «Кучли бешлик».
10.00 Детективлар.
10.30 От спорти. Ўзбекистон биринчилиги.
11.00 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.50 Кураш. Жаҳон биринчилиги.
19.25 «Гейм-Сет Матч».
19.40 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
20.20 «Криминал». Т/с.
21.50 «Беллашув».
22.50 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

ЖУМА 20

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 9.00, 11.00, 11.10, 12.40, 14.15, 17.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 18.00 Олтин мерос.
8.50 «Ҳадоя». Теленовелла.
9.05, 23.20 «Фенди Рекен».
9.30 «Цирк, цирк, цирк». «Чинининг саргузаштлари». М/с.
10.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Бир асар тарихи».
10.50, 19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари».
12.00 «Табаррук замин».
12.20 «Минг бир маслаҳат».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
15.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.20 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Бизнес янгиликлари».
17.35 «Минг бир ривоят».
17.40 «Рамазон туҳфаси».
18.10 «Тилга эътибор».
18.25 «Эврилиш». Хива.
18.50 «Умр дафтари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Одамлардан бири».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05 «Телевизор».
8.45 «Обид-шоу» архивидан.
9.25 Хазина.
9.40 Ҳикмат маскани.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 «Ёлғон асираси». Т/с.
11.00 Эрта бугунги бошланади.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00, 19.40 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 Орзулар майдони.
15.00 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
15.50, 21.00 Омон бўлинг!
16.15 «Севги фариштаси». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болажон.
17.20 Болалар шеърияти.
17.30 Нафосат олами.
17.40 Солиқ хизмати.
17.50 Давр-репортаж.
18.00 «Бобур». Т/с.
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.45 Наво-SMS.
20.10 Спорт-лото.
20.15 «Моя мечта». Дунё таомлари.
21.10 Кино: «Телевизор».
22.30 Жаҳон киноси: «Учар ханжарлар макони».

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 11.20, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Санъат гулшани».
9.55, 19.30 Мусиқа SMS.
10.15, 21.00 «Репортаж».
10.25, 20.35 «Ғилдиракли уй».
10.50 «Иқтисод - ревю».
11.00 «Топ-гид. Вена».
11.25, 20.20 «Эрудит».
11.40 Кино: «Затура»
18.00 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили»: «Саломат бўлинг».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 Кино. «Посейдон»

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Болалар спорти».
8.35, 18.15 Мультсериал.
9.20 «Снукер».
10.00 Детективлар.
10.30 «Ринг».
11.00 От спорти. Ўзбекистон биринчилиги.
11.30 Баскетбол.
12.30 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
18.50 Концерт дастури.
20.00 «Вести».
20.20 «Мўъжизалар майдони».
21.15 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.50 «Дорихона эшитади».
22.35 Кулгули кино: «Қайнонам бўлинг».
23.50 Футбол. УЕФА кубоги.

ШАНБА 21

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.00, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 18.00 Олтин мерос.
8.45 «Олтин тож». Телеўйин.
9.20 «Шифокор қабулида».
9.45 «Тилга эътибор».
10.00 «Оналар мактаби».
10.20 «Рангинкамон». «Дидар».
11.05 «Оила ришталари». Т/с.
11.40 «Рақснинг сеҳрли олами».
12.05 «Интеллектуал ринг».
12.50 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
15.20 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.20 «Олтин бешик».
16.50 «Одамлардан бири».
17.15 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик сирлари».
17.35 «Минг бир ривоят».
17.40 «Рамазон туҳфаси».
18.10 «Умидбахш кун». Видеофильм.
18.55 «Умр дафтари».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Меҳр кўзда».
21.40 «Кўҳна оҳанглар».
22.20 «КиноТеатр».
22.40 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.50 «Мунис онам». Бадиий фильм.

ЁШЛАР

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00 «mtrk.uz».
8.05 «Телевизор».
8.45 «Обид-шоу» архивидан.
9.30 Юлдуз билан...
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15 Интерфутбол.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 Ватанпарвар.
15.30 «Ортиқ»ча клиникаси.
16.15 «Севги фариштаси». Т/с.
17.00 Бола тилидан.
17.30 «Камолот» хабарлари.
17.40 Саховат.
18.20 Каталог.
18.30 Ватаним!
18.35 «Тилимиз ҳам Ватандир!»
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.45 «Alokazay чойи» тақдим этади...
19.55 Дунё бўйлаб...
20.15 Ошуфта.
20.45 ДаврА.
21.15 Оҳанрабо.
22.30 Жаҳон киноси: «Уддабуронлар».

ТОШКЕНТ tv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 11.35, 20.15, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.45 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.45 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Саломат бўлинг».
9.45 «Дилкаш наволар».
10.10 «Маърифат фидойилари».
10.30, 19.25 Мусиқа SMS.
10.50, 21.05 «Репортаж».
11.00 «Ғилдиракли уй».
11.25, 18.00 «Афиша».
11.40, 20.20 «Эрудит».
11.55 Кино: «Посейдон».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.35 «Камин олдида суҳбат».
21.15 «Жозиба».
22.05 «Топ-гид. Монако».
22.50 Кино: «Миллат хазинаси».

СПОРТ

7.30, 8.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.10 «Смак».
9.30 «Фазенда».
10.05 «Паҳлавон».
10.35 «Том Сойернинг саргузаштлари». Фильм.
12.00 «Баскетбол». Ўзбекистон чемпионати.
13.00 «Иқтидор».
13.50 «Табиатшунос саёҳати».
14.20 «Спартак Мишулин. Яна ўша Карлсон».
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.55 «Военное дело».
19.20 «Файзли ошхона».
20.00 «Вести».
20.25 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
21.10 «Халқ ўйинлари».
21.50 «Катта пойга».
23.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

ЯКШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН 1

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.35, 11.45, 12.40 ТВ анонс.
8.40, 18.00, 21.45 Олтин мерос.
8.55 «Сирли munaжжим».
9.10 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Бананлар». М/с.
10.20 «Саломатлик сирлари».
10.40 «Навобахш».
11.25 «Ҳаҳвия бисотидан».
11.50 «Ибн Сино издошлари».
12.20 «Ҳаёт давом этади».
12.45 «Анқов». Бадиий фильм.
15.20 «50х50».
16.10 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
16.15 «Олтин тож». Телеўйин.
16.50 «Шўрданак».
17.15 «Одами эрсанг».
17.35 «Минг бир ривоят».
17.40 «Рамазон туҳфаси».
18.10 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.50 «Заковат».
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.00 «Ишқий кайфият». Бадиий фильм

ЁШЛАР

6.00 Ҳинд киноси: «Симладаги муҳаббат».
8.45 Ватаним!
8.50 «Камолот» хабарлари.
9.00 Давр-репортаж.
9.10 «Садолар сеҳри».
9.40 «Тилимиз ҳам Ватандир!»
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Journal.
11.20 Оҳанрабо.
12.00 ДаврА.
12.30 «YOSHLAR»да куз оқшомлари.
14.00 Жаҳон киноси: «Ҳаёт эртаги».
15.50 Ойдин орзули одамлар.
16.05 Ватан мадҳи.
16.15 Ринг қироллари.
17.05 Чемпион сирлари.
17.25 Ватаним!
17.30 Орзулар майдони.
18.00 Мухлис-шоу.
18.40 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.45 Қилни қирқ ёриб...
20.30 «Жўшкин ёшлигим!»
21.00 «Ортиқ»ча клиникаси.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 Жаҳон киноси: «Ғурур ва андиша».

ТОШКЕНТ tv

7.30 Салом, Тошкент!».
8.30, 9.45, 11.45, 15.30, 20.35 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 16.10, 18.55 «Телекурьер-маркет».
9.30 «ИИВ. хабарлари».
9.50 «Интервью».
10.00 «Афиша».
10.10 Мусиқа SMS.
10.30 «Мадакаскар». М/ф.
11.50 «Камин олдида суҳбат».
12.20 «Топ-гид. Монако».
12.45 «Дорихона эшитади».
13.30 Кино: «Миллат хазинаси».
15.35, 19.40 «Эрудит».
15.50 «Авто-диллер».
16.30 «Жозиба».
16.50 Кино: «Бэкхемдан қолишма».
18.35 «Санъат гулшани».
19.15 «Дилкаш наволар».
19.55 «ММ-шоу».
20.40 «Туризм ҳақида».
21.10 «Ета олсанг тутиб ол!».

СПОРТ

7.30, 8.50 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
9.20 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
9.35 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Қувноқ стартлар».
11.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.30 «Файзли ошхона».
12.05 «Баскетбол».
13.05 «Табассум».
13.15, 18.15 Мультфильм.
13.30 «Мусиқий марафон».
14.10 «Аралаш».
14.40 «Проф-РИНГ».
18.00 «Умид юлдузлари».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Бир остидан, бир устидан». Бадиий фильм.
21.30 «Талқин».
22.00 «Тенгдош».
22.20 «Юлдузлар муз устида».
23.50 Еврофутбол.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги "POYTAXT AUKSION" давлат унитар корхонаси

2006 йилнинг 15, 22, 29 ноябрь ва 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг бўйруқларига асосан қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган ер участкалари:

Ер майдонининг жойлашган манзили	Ер майдонининг сони (дона)	Ҳар бир ер майдонининг сатҳи (га)	Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи (сўм)
Чирчиқ шаҳри, Крылов кўчаси	2	0,04	161 920
Чирчиқ шаҳри, Ҳунармандлар кўчаси	1	0,04	161 920
Шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари:			
Оққўрғон шаҳри, Олимкент ПТЗ" ОАЖга қарашли пахта қабул қилиш пункти ҳудуди	4	0,06	63 360
Оққўрғон тумани, Коммунал фойдаланиш бошқармаси ҳудуди	3	0,06	63 360

ҳамда "Пахта банк"нинг Паркент тумани бўлимига тегишли, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 785 бўлган "ГАЗ 2411" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 630 000 сўм.**

Бекобод шаҳар ҳокимлиги ҳисобидаги Маданият ва спорт ишлари бўлимининг 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 AN 251 бўлган "АГБ-СПГ-КУБАН" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 874 000 сўм.**

"Янгийўл" агрофирмаси ОАЖга тегишли, 1979 ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АС 287 бўлган "ЗИЛ 130-76" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 1 110 630 сўм.**

Regional Geologiya ОАЖга тегишли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АЕ 031 бўлган "ГАЗ 2410" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 595 000 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини "POYTAXT AUKSION" ДУК АТИБ "Ипотека-банки" Шайхонтоҳур туман филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризаларни қабул қилиш ер майдонларига савдодан уч кун аввал ва автотранспорт воситаларига савдодан 1 соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А-уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: 133-23-40.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

қуйида қайд этилган Ангрен шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

1. Ангрен шаҳар 3-сонли давлат нотариал идорасида – 1 та ўрин.

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) малака комиссияси номига ариза;
б) паспорт нусхаси;
в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 362-84-30, 363-51-04.

КОРЕЙС КИНОФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Сўнгги йилларда республика телевидениеси орқали "Тангем", "Қиш сонатаси", "Ёз ифори" каби бир қанча корейс телесериаллари намойиш қилинган бўлса, уларнинг барчасини ўзбекистонлик томошабинлар самимий кутиб олди.

Шу кунларда кино ихлосмандлари корейс кино ижодкорларининг асарлари билан бевосита танишишга муяссар бўлишмоқда. Хусусан, айни кунларда Тошкентда корейс кинематографияси ютуқларини ифода этувчи кинофестиваль ўтказиляпти. Мутахассисларнинг эътирофича, мазкур тадбир учун ўзбек томошабинларига яхши таниш бўлган асарлар саралаб олинган.

Кинофестивалда Кореяда 2005 йилнинг энг сара фильмлари, дея эътироф этилган "Ширин ҳаёт" ва "Қирол арзандаси" каби асарлар намойиш этилмоқда.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс».

ЁШ МУСАВВИР АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Лиана Алмяшева асарлари кўргазмаси очилди.

Лиананинг картиналари пойтахтимизда "Навқирон Ўзбекистон", "Табиат ва рассом", "Ёш истеъдодлар" каби мавзуларда ўтказилган республика фестивали ва бадиий кўргазмаларида, 2005 йилда Японияда ўтган "Экспо — 2005" бутунжаҳон кўргазмасида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. У чизган расмлар Канада, Австралия, Европа давлатларидаги шахсий тасвирий санъат тўпламларида ҳам сақланаётир.

Ушбу кўргазмада Л. Алмяшеванинг ранг-тасвир йўналишидаги элликка яқин асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Табиат манзаралари, меъморий обидалар, меҳнаткаш ва фидойи ҳамюртларимиз ҳаёти акс эттирилган суратлар тасвирий санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

ЎзА.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

САФАР УЧРАШУВИ ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2007 йили ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичида навбатдаги тур учрашувини ўтказди. Бу гал ҳамюртларимиз Бангладеш терма жамоаси меҳмони бўлди.

"F" гуруҳидаги бешинчи тур учрашувида футболчиларимиз мезбонлардан маҳорат ва тажриба бобида устунлигини исботлади. Беллашувнинг ўнинчи дақиқасида Илёс Зейтуллаев аниқ зарба йўллаб ҳисобни очди. Бу моҳир ярим ҳимоячимизнинг терма жамоа таркибидаги биринчи голи бўлди.

Биринчи бўлимда ўзбекистонлик чарм тўп усталаридан Улуғбек Бақоев, Сервер Жепаров ва Максим Шацких Бангладеш жамоаси дарвозасига биттадан гол киритиб, терма жамоамизнинг 4:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Баҳснинг иккинчи ярмида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди.

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги учрашувни 15 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Қатар терма жамоасига қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Тошкент вилоятида велошоссе бўйича ташкил этилган Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди.

ЛАГУТИН МАРРАДА

Сўнгги босқичда эллик тўрт нафар спортчи 134 километр масофага ўтказилган пойгада ўзаро куч синашди.

Маррага биринчи етиб келган фарғоналик велопойгачи Александр Лагутин ғолиб бўлди. Қолган совринли ўринларни чирчиқлик спортчилар Юсуф Абреков ҳамда Руслан Каримов эгаллади.

Куз неъматлари

ҚОВОҚ ТАНЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Қовоқларнинг ёзги ва қишки навлари бор. Ёзги қовоқлар кўм-кўк ғўралигида истеъмол қилинади. Қишкилари эса тиғиз, пўсти эса қаттиқ ва қалин бўлиб, пишгунига қадар пушталарида ястаниб ётади. Аммо полиздан янги узиб чиқилган қовоқнинг таъми бошқача бўлади.

Йирик қовоқ турининг пўсти ёрқин қизғишранг, ширин мазали бўлиб, вазни 25 килограммгача етади. Нок шаклидаги, пўсти силлиқ сариқ қовоқни «ёнғоқ қовоқ» дейишади. Ҳажми кичик бўлган ва этида дағал толалар камроқ учрагани учун ҳам ундан таом тайёрлаш қулай. Ёнғоқ қовоқ жуда ширин ва хушбўйдир.

Акорн қовоғи митти бўлиб, унинг кўриниши чўқаёнғоққа ўхшаб кетади. Тўқ кўк ёки қизғиш (баъзан ҳам кўк, ҳам қизғиш) пўстида чуқур ажинлари бор.

Бу хил қовоқлар «Патиссон», деб юритилади. Улар ташқи кўринишидан ҳам ликопчага, ҳам вараки сомсага ўхшаб кетади.

Оби-тобида пишган патиссонлар нозик тўқ кўк ёки сариқ пўстли, эти ғижирлаб турувчи, уруғи майда бўлади.

Атлант қовоқ нави кеч пишар ҳисобланиб, чўзилмачоқ-юмалоқ меваси нинг вазни 20-25 килограммгача боради. Танаси салгина ғадир-будир, сидирға қизғиш рангли бўлади. Эти қизғиш-сариқ, қалин, серсув ва ширин дир.

Қовоқнинг тезпишар навларидан яна бири «Миттивой» дейилади. Меваси думалоқ-япалоқ, оғирлиги 2-3 килограммгача боради. Унинг таркибида қуруқ моддалар ва шакар кўп бўлади. Таъм ва сифати яхши, узоқ сақланади.

Акбар АЛИЕВ.

Жаҳон спортидан бир шингил

БАРТЕЗ ЭНДИ ИСТЕЪФОДА

Reuters хабарига кўра, Франциянинг энг машҳур дарвозабони, жаҳон ва Европа чемпиони Фабиен Бартез профессионал футболчилик фаолиятига якун ясади. «Мен ҳаётда футболдан бошқа нарсалардан ҳам баҳра олиб яшашни биламан. Шу муносабат билан ҳам ўз фаолиятимга якун ясадим», деди Бартез. Сўнгги маълумотларга кўра, Бартез шарҳловчиликка қўл урмоқчи.

АНГЛИЯ АУТСАЙДЕРНИ ЕНГОЛМАДИ

Европа чемпионати 2008 саралаш босқичида «Е» гуруҳидан ўрин олган Англия-Македония ўйинида ҳақиқий шов-шув рўй берди. Манчестер стадионида бўлиб ўтган ўйинда Стив Макларен шогирдлари кутилмаганда рақиб дарвозасини ишғол эта олишмади. Ўз мухлисларини ранжитган англияликлар қитъа аутсайдери бўлган македонияликлар билан нурсиз дурангга имзо чекишди.

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилиши кутилаётган профессионал бокс жангида муносиб иштирок этиш учун ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров жиддий тайёргарлик олиб бормоқда. 8 раунд давом этадиган жангда у россиялик боксчи Торковга қарши рингга чиқади.

– Мен рақибимнинг бир неча жанглари ёзилган дискларни кўрдим. Рақибим ҳақида бир қадар маълумотга эгаман, – дейди ҳамюртимиз Ф. Бакиров.

ФИНАЛ МОСКВАДА БЎЛАДИ

Яқиндагина Люблянада бўлиб ўтган UEFAнинг йиғилишида чемпионлар лигаси ва UEFA кубогининг финал ўйинлари ўтиши кутилаётган шаҳарлар ва стадионларнинг номлари эълон қилинди. 2008 йилда чемпионлар лигасининг финали Россия пойтахтидаги «Лужники» стадионида, UEFA кубоги финали эса, Англиянинг Манчестер шаҳридаги «Манчестер Сити» стадионида бўлиб ўтади.

ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси Нодира ОЛИМОВА тайёрлади.



Фарзандларимизга кўз тегмасин. Уларнинг келажакдаги бахт-иқболини кўриш барча оналарга насиб этсин!

Муҳаммад АМИН (ЎзА) сурат-лавҳаси.

ТЕСКАРИ КЕЛСИН-ДА

(Ҳажвия)

(Замонавий, топармон аёллар ўқимасин)

Тиллақўнғиз рангли «Нексия» катта тезликда, худди ғилдирагидан ўт чиққудек чийиллаш билан дарвоза ёнига келиб тўхтади. Ундан юз-кўзига алламбалоларни чаплаб ташлаган хоним тушди.

— Дадаси, ҳой дадаси, — чақирди у дўқ аралаш. — Қулоғингиз том битганми? Бу ёққа қаранг!

Холматшо мағзава юқи қўлларини шоша-пиша артиб, дарвоза томон югургилаб келди. Хотининг қўлидаги елим халталарни олди.

— Вой-буй! Яна заҳарингизга ютиб олдингизми? Шунчалик ҳам бўласизми? Ўзингизни ўйламасангиз, ҳеч бўлмаса, мени ўйласангизчи. Адойи тамом қилдингиз-ку. Болаларда нима гуноҳ, ҳаммасининг бўйи чўзилиб қолган бўлса, уятэй, сиздай эррайим хотинга.

— Кўп жиғимга тегаверманг, эрпошша. Мени биласиз, — гапи бўғзида қолди хотиннинг. У деворга суялиб, ичкарига кирди-ю, бўй-баравар ўзини диванга отди.

— Ҳой, дадаси. Яна дий-диёингизни бошладингизми? Ҳадеб сайрагачингиз сайраган, жағингизни юминг! Бўлмасам, ҳозир онангизни учқўрғонда кўрасиз. Биласиз-а, мени? — деди кўзларини катта очиб. Кейин сенсирашга ўтди: — Сен, ношукр бандасан. Ҳеч бўлмаса, қўшнимиз Каромиддиндан ўргансанг бўлмайдими? Хотини келиши билан дарров пешвоз чиқади. Салом беради. Сиз бирор марта на «Шаршара»га, на «Бобо»га олиб бормагансиз? Кинотеатрни гапирмасаям бўлади, — бобиллади Холматшо маржон бўлиб оқиб турган кўз ёшлари артиб. — Рўзғор ҳам ночор. Ҳар куни бўшатган шишаларингизни сотиб, нон олиб турибмиз.

— Ҳой, нодон. Шукр қилинг. Кино дейсиз, ана рангли телевизор. Менга деса ётиб олиб кўрмайсизми?

— Ётиб олиб кўрмайсизми, дейсиз. Кўриш у ёқда турсин, бир кўз ташлай олмайман, — деди эр этагига бурнини артар экан, сўнгра яна жаврай кетди:

— Мен билмайман, бугундан бошлаб, уй ишларига сиз ҳам қарашасиз, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим.

— Қарашмайман. Мени ким деб ўйлаяпсиз. Мен ахир хотинингизман.

— Бўлмасам, онамникига кетаман. Болаларимни ҳам олиб кетаман.

— Тўрт томонингиз қибла, сиздака шалтоқ эр менга эрлик қилармиди?

— Мен ҳам сиздака пиёниста хотин билан яшамайман.

... Бундай важоҳатда хотинига бақирган эрни биринчи бор кўрган хотин, «Сен менга, мендек хотинга тик қарадингми», деб бор кучи билан тарсаки тортиб юборди.

Шу вақт унинг кўзлари мошдек очилди. У кўзини очди-ю, тепасида энгашиб турган эрига кўзи тушди.

Хотининг кўзи очилганини кўрган эр бўшашаб, каравотнинг бир чеккасига ўтириб қолди.

— Вой онаси-ей, шунчалик ҳам ичасизми? Босинқирашингизни кўриб, жуда қўрқиб кетдим.

Унинг боши ари уясидек ғувиллар эди. Базўр ўрнидан турди.

— Уф-ф! Хайрият тушим экан. Бўлди, адаси, тавба қилдим, — деди овози зўрға чиқиб. «Аёлларнинг туши тескари келади, дейишарди. Ишқилиб, шу рост бўлсин-да».

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 14 октябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади.

Қилмиш-қидирмиш

ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ВОЙ

Оҳангаронлик А. Рамил 32 ёшни қаршилаган бўлса-да, ҳаётини изга тушира олмаганлардан. У муқаддам тўрт маротаба турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларни, ҳаттоки, оғир жиноятларни содир этганлиги учун судланган. Бироқ, тегишли хулоса чиқармай, яна «хурмача қилиқ»ларини бошлаб юборди. Уйида опаси А. Рая билан ўзаро гап талашиб қолиб, унинг сўзларига қулоқ тутиш ўрнига қўл кўтарди. Натижада опасининг ўнг қўли синиб, Оҳангарон марказий касалхонасига мурожаат қилди.

А. Рамил қилмиши учун тергов ҳаракатлари кетаётганига қарамай, маст ҳолда таниши С. Светлананинг уйига бориб, уни беҳаёларча ҳақоратлаб, тан жароҳати етказди. Ҳозирда зўравон терговчи саволларига жавоб бермоқда.

ТАЛОНЧИЛАР

Ёз кунларининг бирида вояга етмаган Л. Алексей тунги соат бирларда маст ҳолда укаси Л. Виктор, дўстлари К. Сергей, Б. Рашид ва И. Андрейлар билан ўзаро тил бириктириб, Ангрен шаҳридаги 12-мактабга келишади. Бешовлон қоровулни уриб, унга тан жароҳати етказадилар. Сўнгра мактаб директори ҳамда синф раҳбарлари хоналарининг эшигини бузиб, у ердан умумий нархи 1 миллион 160 минг сўм бўлган турли буюмларни ўғирлаб кетадилар.

Олиб борилган чора-тадбирлар жараёнида улар ушланиб, қилмишларига яраша жавоб бермоқдалар.

Шерали АНВАРОВ, вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.

Бир чимдим кулгу

КИМ ЭКАН У?

Бир киши концертга тушган эди. Хонанданинг қўшиғи ёқмади. У ёнидаги одамдан сўради:

— Бу аёлнинг овози бунча хунук. Ким экан у, билмайсизми, биродар?

— Биламан, — деди қўшниси, — у менинг хотиним.

— Э, узр, овози... унчалик ёмон эмас. Аммо қўшиқнинг мазаси йўқ экан. Ким ёзган уни...

— Мен ёзганман...

УЗР АЙТДИ

Насриддин афанди улфатлари билан чойхўрлик қилиб ўтирарди. Гапдан-гап чиқиб, қозихонага тақалди.

— Қозихона порахўрлар маконига айланди, — деди Афанди. — Маҳкамадагиларнинг ярми пора олади, ҳаром ейди.

Бу гап қозикалоннинг қулоғига етди. У дарҳол Афандини ҳузурига чақиртирди.

— Мулла Насриддин, қозию қуззот шаънига бўҳтон сўзлар айтқони нечук ҳаддингиз сиғди? — деб ўшқирди у. — Сўзингизни исботлаб беринг, ёинки дарранинг остиға олдирғаймиз сизни...

Насриддин афанди кулди:

— Нима деб тухмат қилибман, жаноб қозикалон, айтсинлар.

— Хотирингиз фаромуш бўлдими? Қозихона мулозимларининг қоқ ярми ришвахўр, пора олади, деганмишсиз, ёки ёлғонму?

— Э уми, — деди Афанди бепарво, — узр тақсир, узр, биз андак хато қилибмиз. Мен қозихонадагиларнинг ярми пора олмайди, демоқчи эдим.

Қозикалон мамнун бўлди:

— Шунақа бўлсин, мулла Насриддин, бировларга тухмат қилманг, гуноҳи азим бўлғай...

АФАНДИ БИЛАН САРТАРОШ

Афанди соч олдиргани сартарошхонага кирди. Сартарош Афанди билан ҳазиллашгиси келди ва ўтмасроқ устарани қўлига олиб соч қира бошлади. У ора-чора атайин «Қалай, тақсирим, азиз бошингиз азият чекмаяптими?» деб сўраб қўяди. Афанди нечоғлик қийналса-да, тишини-тишига қўйиб ўтираверди.

Ниҳоят, сартарош соч олиб бўлди. Афандининг жиғига тегиш учун деди:

— Устара қалай экан, сизга ёқдими?

— Устаранг қиличдай экан, — деди Афанди, — сочимни шундай силаб-сийпадики, кўзим илиниб уйқуга кетибман. Туш кўрибман. Тушимда каттакон бир мовмушук бошимни тирнаб, тимдалаётган эмиш. Кўзимни очсам, «устара қалай?» деб сен баччағар тепамда турибсан...

Сартарош бу сафар ҳам мот бўлди.

С. ҚАРНОҚЛИ тўплаган.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИССИҚХОНА ВА ТОМОРҚА, ГУЛ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОН ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Оққўрғон тумани «Қишлоқхўжаликкимё» филиали

юқори сифат билан тайёрланган ва минерал ўғитлар билан бойитилган, чекланмаган миқдордаги компост маҳсулотини келишилган нархларда сотади.
Ҳақиқий деҳқонгина компостнинг ҳар қандай экин учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини билади.
Транспорт воситаси зарур бўлган мижозларга маҳсулот манзилига етказиб берилади.
Тўлов тури сиз хоҳлаган усулда амалга оширилади.

Бизнинг манзил:
Оққўрғон тумани, Х. Олимжон номли фермерлар уюшмаси ҳудуди.
Телефонлар:
109-63-56, 126-35-08, 55-21-495.

Сергели туманидаги «ILIAN» хусусий корхонасига 2002 йил 20 мартда берилган 1920363624 рақамли ер кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оҳангарон ўрмон хўжалиги К-700 маркали трактор ва трейлер сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади.

Ҳужжатлар шу йилнинг 25 октябрига қадар қабул қилинади.

Манзил: Ангрен шаҳри, 2/2-даҳаси, ЯШН.
Телефонлар: 6622816, 401-31-61, факс: 6622882.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1240. Адади 3467. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.00. 1 2 3 4 5